



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел: +99866 234-80-34, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 06

« 3 » февраль 2025 й.

“O'ZNEFTGAZQUUDUQTA'MIRLASH”
aksiyadorlik jamiyati rahbariyatiga
СТИР 201057286

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Мен, Бухоро вилояти Қоровулбозор туман “O'ZNEFTGAZQUUDUQTA'MIRLASH” aksiyadorlik jamiyatining 2024 йил 1 январ кунидан 2024 йил 31 декабр кун ҳолатигача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ўтказдик. Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қарорларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор

этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч, ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Хулоса қисми

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар, Бухоро вилояти Қоровулбозор туман “O`ZNEFTGAZQU DUQTA`MIRLASH” aksiyadorlik jamiyatining 2024 йил 1 январ кунидан 2024 йил 31 декабр кун ҳолатигача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

“Хулосани тайёрладим”

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti аудитори:

С.Бобоев

Хулосани тасдиқлайман”

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti директори:

Ў.Очилов



МСНЖ шаклидаги «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti.
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 5 апрелда берилган
№ 00787 сон аудиторлик фаолиятини амалга ошириш туғрисидаги лицензия.
“MY-INSURANCE” mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo’shma korxonasining 2024 йил
20 сентябр кундаги № 0004160-сонли аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик суғурта
полиси.

«O’ZNEFTGAZQUDUQTA’MIRLASH» aksiyadorlik jamiyatining 2024 йил
1 январдан 2024 йил 31 декабр кунигача бўлган давр учун тузилган молиявий
хисоботлари ва бошқа маълумотларни аудит текширувидан ўтказиш натижасида
олинган маълумотлар асосида тузилган

Аудиторлик ҳисоботи.

Қоровулбозор - 2025 й.



1. Кириш қисми.

Ушбу ҳисобот МСНЖ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti томонидан тайёрланди.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари, корхона, ташкилотларда аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги амалий қўлланмалар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий – ҳукукий ҳужжатларига асосан ўтказилди.

Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун, шу жумладан уларда маълумотлари акс эттирилган бошланғич ҳужжатлар маълумотларининг ҳақиқийлиги, бухгалтерия ёзувлари ва ички назоратни тўғри юритилиши, ҳисоб сиёсатини тузиш ва қўлланиши бўйича мазкур хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторнинг вазифаси тузилган молиявий ҳужжатларга ўз хулосасини баён этишдан иборат.

Текшириш даврида қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинди: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва унга иловалар, давлат бюджетига тўловлар ҳисоботи, банк кўчирмаси, ҳисоб фактуралар ва бошқа бирламчи ҳужжатлар.

Ички назорат ҳолатини текшириш аудит танлов йўли билан ва айрим ҳолатларда тўлиқ текшириш ўтказилди. Танлов аудиторлик рискин кам даражагача пасайтириш зарур чораларни кўриш билан амалга оширилди.

Биз аудиторлик текширувини АХС ларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кереклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молия – хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ўйлаймиз.

1.1. Аудиторлик ташкилотининг реквизитлари.

МСНЖ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2008 йил 24-мартда № 376- сонли рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга.

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Самарканд вилояти, Самарканд шаҳри Фарход кўчаси 34-уй, 29-хона.

Телефон рақамлари: (+ 99895) 500 22 42, +99891 646 31 01)

Банк реквизитлари: ҳисоб рақами: 20 208 000 504 691 763 001, АТ “Туронбанк” Тошкент шаҳар бош офиси. МФО: 00446, СТИР: 206955352, ОКОНХ: 84400

1.2. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия рақами ва санаси.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензияси № 00787 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик суғурта полиси “MY-INSURANCE” mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo’shma korxonasining 2024 йил 20 сентябр кундаги № 0004160-сонли аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик суғурта полиси берилган.

1.3 Аудиторлик текширувида қатнашган аудиторлар ва бошқа мутахассислар тўғрисида маълумот.

Аудиторлик текширувини ўтказган аудитор: Бобоев Собиржон (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 февралда берилган, амал қилиш муддати 10 йил муддатга 2024 йил 23 февралдан 2033 йил 23 феврал кунигача узайтирилган № 05087-сонли малака сертификатига эга)



1.4. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос.

Аудиторлик текшируви 2025 йил 3 январда тузилган № 06-сонли аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартнома.

Аудиторлик текшируви «O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH» aksiyadorlik jamiyati бош директори Кудратов Руфат Рустамович хабардорлигида ва бош ҳисобчи Жумаев Бобур Болтаевич тўлиқ иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви 24.01.2025 йилда бошланиб, 03.02.2025 йилда якунланди.

1.5. Хўжалик юритувчи субъект «O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH» aksiyadorlik jamiyati фаолиятининг умумий тавсифи.

Маъсулияти чеклаган жамият шаклидаги «O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH» aksiyadorlik jamiyati (кейинги матнларда «Жамият» деб юритилади) Бухоро вилояти Қоровулбозор туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2004 йил 30 мартдаги 32- реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Жамиятнинг тасдиқланган Уставига кўра жамият юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкига эгалик қилади, хусусий балансга эга, ҳисоб рақамига, ўз номи тушурилган юмолқ муҳрига эга, ўз фаолиятини Устави ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига асосан фаолият юритиб келади. Жамиятни муддат фаолияти чекланмаган.

Жамият юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани Чўлқувар МФЙ, Меҳнатобод кўчаси.

Жамиятнинг текшириш даврида МФО: 00440 “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар бош офисида 20210000600304412001-сонли асосий ҳисоб рақами мавжуд.

Жамият томонидан бошқа банкларда ва республикадан ташқаридаги банкларда жорий ва валюта ҳисоб рақамлари очилмаган.

Жамият хўжалик ҳисоби принциплари асосида иш юритади, ўз хўжалик фаолияти натижаларига, шартнома асосида ўз олдига қўйилган мажбуриятлар учун ўзи бюджет олдидан ва жамоа аъзолари олдидан амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар ҳисобланади.

Жамият ўзига тегишли мулккий ҳуқуқи учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият солиқ тўловчи юридик шахс сифатида Бухоро вилоят Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган бўлиб, унга 201057286-сонли идентификация рақами берилган.

Асосий фаолият тури ва жамиятнинг Уставида қайд этилган фаолиятлар.

Жамиятнинг Уставга кўра қўйидаги фаолият турларини амалга ошириши кўрсатилган:

- Нефт ва газ қудуқларини таъмирлашда сервис хизмат кўрсатиш;
- Қишлоқ хўжалиги янги ер майдонларини очиш ва экиш;
- Саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш;
- Уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш;
- Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш;
- Транспорт хизмати кўрсатиш, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш;

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаб чиқариш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш.

Жамият устав фонди ва уни ташкил этилиши.

Жамиятнинг 2023 йил 26 июл кунида Давлат рўйхатидан ўтказилган Янги таҳрирдаги устави бўйича устав фонди миқдори номинал қиймати 2 700 сўм бўлган 1 066 730 дона оддий ва 21 770 дона имтиёзли жами 1 088 500 дона эгаси ёзилган нақдсиз акцияларга бўлинган 2 938 950 000 сўмдан иборат бўлган.



Текширишга киритилган даврда жамият томонидан қуйидаги солиқ тўловлари амалга оширилган:

- 1) Фойда солиғи.
- 2) Қўшилган қиймат солиғи.
- 3) Мол мулк солиғи
- 4) Ер солиғи
- 5) Сув солиғи
- 6) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.
- 7) Ижтимоий солиқ.

Жамият ўз номидан мустақил равишда шартномалар тузиш, хизматлар кўрсатиш ва ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади.

Жамият фаолияти қуйидаги норматив-меъёрий ҳужжатларга асосан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
 - Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида”ги қонуни.
 - Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни
 - Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”
 - Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”
 - Ўзбекистон Республикаси “Фуқоролик кодекси”
 - Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий- ҳукукий ҳужжатларига асосан.
- бундан ташқари жамиятда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ички ҳужжатлар:

Жамият ҳисоб сиёсати: жамиятда ҳисоб сиёсати тузилган.

Жамиятда ҳўжалик молиявий муомилари белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида юритилиб келинмоқда.

2. Таҳлилий қисм.

2.1. Аудиторлик Халқаро стандартлари.

Аудиторлик текшируви даврида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат системасини баҳолаш бухгалтерия ҳисобини юритиш системаси, ички назорат системаси ўрганилиб, шу асосида аудиторлик текшируви қамрови, сарфланадиган вақт ва мақсад аниқланди.

2.2. Ички назорат ҳолати.

Жамият молиявий ҳисоботлари бошланғич баҳолар асосида миллий валюта Ўзбекистон Республикаси (сўм) асосида тайёрланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш жамият раҳбарияти томонидан ташкил қилинган, молиявий ва бошқа ҳисоботлар тузилиб маҳаллий органларга топшириб келинмоқда.

Жамият бухгалтерия ҳисоби текширишга киритилган даврда 1 С компютер программаси орқали юритилган.

Жамиятда ички назорат тизимининг фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси қониқарли.

Асосий воситалар ҳисоби.

Жамиятда асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби, улар қайси турга мансублиги буйича юритилган. Асосий воситалар рўйхатга олиш китоби электрон юритилган. Жамиятда асосий воситалар моддий жавобгар шахслар жавобгарлигига беркитиб қўйилган ва улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар имзоланган. Асосий воситалар қайта баҳолаш ўтказилмаган. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаб тегишли ҳисоб варақаларга олиб борилган.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида бошланғич қиймати 421 553 935 221 сўм, эскириши 358 941 882 343 сўм қолдиқ қиймати 62 612 052 878 сўмлик асосий воситалар



қолдиги мавжуд бўлган. Жамият ҳисобига 2024 йил давомида капитал қўйилмалар ҳисобидан 127 010 813 898 сўмлик ва турли кредиторлар ҳисобидан 33 782 400 сўмлик асосий воситалар кирим бўлган, ушбу даврда жамият ҳисобидан бошлангич қиймати 6 173 978 651 сўм, эскириши 5 975 024 217 сўм, қолдиқ қиймати 198 954 434 сўмлик асосий воситалар чиқим қилинган. Йил давомида асосий воситаларга 22 594 263 137 сўм эскириш ҳисобланган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида бошлангич қиймати 542 424 552 868 сўм, эскириши 375 561 121 263 сўм қолдиқ қиймати 166 863 431 605 сўмлик асосий воситалар қолдиги қолган.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 252 341 865 сўмлик узоқ муддатли инвестициялар қолдиги мавжуд бўлган, 2024 йил давомида жамият ҳисобига узоқ мауддатли инвестиция кирим ва чиқим бўлмаган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида 252 341 865 сўмлик узоқ муддатли инвестициялар қолдиги қолган.

Капитал қўйилмалар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида капитал қўйилмалар қолдиги мавжуд бўлмаган. 2024 йил давомида жамият ҳисобига мол етказиб берувчи корхоналардан 23 281 846 698 сўм, алоҳида бўлинмалар ҳисобидан 102 544 348 000 сўм, қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан 403 000 000 сўм, турли кредиторлар ҳисобидан 781 619 200 сўм ҳаммаси бўлиб 127 010 813 898 сўмлик капитал қўйилмалар кирим бўлган ва ушбу даврда капитал қўйилмалар ҳисобидан асосий воситалар ҳисобига 127 010 813 898 сўм чиқим бўлган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида капитал қўйилмалар ҳисобига қолдиқ қолмаган.

Материаллар ҳисоби.

Жамиятда текширишга киритилган даврда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 73 049 007 233 сўмлик материаллар қолдиги мавжуд бўлган. Жамият ҳисобига 01.01-31.12.2024 йилгача бўлган даврда жами 100 969 723 646 сўмлик материаллар кирим қилинган бўлиб, ушбу даврда жамият материаллар ҳисобидан жами 66 053 275 215 сўмлик материаллар чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида 107 965 455 664 сўмлик материаллар қолдиги қолган.

Жамиятда товар моддий захиралар моддий жавобгар шахслар жавобгарлигига беркитиб қўйилган ва улар билан жамият раҳбари ўртасида моддий жавобгарлик шартномалари тузиб тасдиқларган. Моддий жавобгар шахслар томонидан материал ҳисоботлар кирими ва чиқими тўғрисида бирламчи ҳужжатлар асосида ҳар ойда жамият бухгалтериясига ҳисобот топшириб келинган.

Асосий ишлаб чиқариш таҳлили.

Жамиятда асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида 2024 йил 1 январ куни ҳолатида қолдиқ мавжуд бўлмаган. Йил давомида асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига хом ашё ва материаллар ҳисобидан 39 450 920 050 сўм, асосий воситалар эскириши ҳисобидан 11 321 472 376 сўм, ёрдамчи хўжаликлар ҳисобидан 64 305 716 619 сўм, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисобидан 14 303 078 минг сўм, келгуси давр харажатлари ҳисобидан 323 671 460 сўм, ишчи-ходимларнинг бошқа операциялар бўйича озиқ-овқат қарзлари ҳисобидан 8 002 166 900 сўм, асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан 31 845 987 241 сўм, иш ҳақидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан 3 822 365 277 сўм, мол етказиб берувчилар ҳисобидан 17 370 348 800 сўм, ички хўжаликлар ҳисобидан 3 632 605 665 сўм, турли кредиторлар

ҳисобидан 35 206 946 сўм, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар ҳисобидан 34 959 005 005 сўм ҳаммаси бўлиб 215 083 769 418 сўм кирим қилинган бўлиб, ушбу даврда жамият асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан 2 125 сўм материаллар ҳисобига, 215 083 767 293 сўм сотилган иш хизматлар таннархи ҳисобига ҳаммаси бўлиб 215 083 769 418 сўм чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида асосий ишлаб чиқариш ҳисобига қолдиқ қолмаган.

Ёрдамчи хўжалик харажатлари таҳлили.

Жамиятда ёрдамчи хўжалик харажатлари ҳисобида 2024 йил 1 январ куни ҳолатида қолдиқ мавжуд бўлмаган. Йил давомида ёрдамчи хўжалик харажатлари ҳисобига хом ашё ва материаллар ҳисобидан 25 323 995 625 сўм, асосий воситалар эскириши ҳисобидан 10 395 664 237 сўм, келгуси давр харажатлари ҳисобидан 85 081 494 сўм, ишчи-ходимларнинг бошқа операциялар бўйича озиқ-овқат қарзлари ҳисобидан 450 277 477 сўм, асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан 22 014 789 620 сўм, иш ҳақидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан 2 647 950 245 сўм, мол етказиб берувчилар ҳисобидан 3 067 086 817 сўм, ички хўжаликлар ҳисобидан 153 674 984 сўм, турли кредиторлар ҳисобидан 167 952 100 сўм кирим қилинган, ушбу даврда жамият ёрдамчи хўжалик харажатлари ҳисобидан 755 980 сўм материаллар ҳисобига, 64 305 716 619 сўм асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида ёрдамчи хўжалик харажатлари ҳисобига қолдиқ қолмаган.

Хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари таҳлили.

Жамиятда хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари ҳисобида 2024 йил 1 январ куни ҳолатида қолдиқ мавжуд бўлмаган. Йил давомида хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари ҳисобига асосий воситалар эскириши ҳисобидан 4 322 325 сўм, келгуси давр харажатлари ҳисобидан 2 642 216 сўм, хизмат кўрсатувчи хўжалик билан боғлиқ ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан 6 552 265 сўм, иш ҳақидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан 786 272 сўм, ҳаммаси бўлиб 14 303 078 сўм кирим қилинган бўлиб, ушбу даврда жамият хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари ҳисобидан 14 303 078 сўм асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида хизмат кўрсатувчи хўжалик харажатлари ҳисобига қолдиқ қолмаган.

Келгуси давр харажатлар таҳлили.

Жамиятда ярим таёр махсулотлар ҳисобида 2024 йил 1 январ куни ҳолатида қолдиқ мавжуд бўлмаган. Йил давомида келгуси давр харажатлари ҳисобига мол етказиб берувчи корхоналар ҳисобидан 656 361 343 сўм кирим қилинган бўлиб, ушбу даврда жамият келгуси давр харажатлари ҳисобидан материаллар ҳисобига 194 103 493 сўм, асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига 323 671 460 сўм, ёрдамчи хўжалик харажатлари ҳисобига 85 081 494 сўм, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари ҳисобига 2 642 216 сўм, давр харажатлари ҳисобига 50 862 680 сўм чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида келгуси давр харажатлар ҳисобига қолдиқ қолмаган.

Ҳисоб рақамида пул маблағларининг ҳаракати.

Аудиторлик текшируви ўтказиш даврида пул маблағларининг ҳаракати, қолдиқларининг тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги аудиторлик усуллари қўлланилди:

- банкдаги ҳисоб рақами кўчирмалари ва уларга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги,
- банк ҳисоб рақами кўчирмасидаги маълумотларнинг унга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар маълумотлари билан тўғри келиши,



Ҳисоб рақамидаги нақдсиз пулларнинг ҳаракати жамиятда танлов йули билан текширилди.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида асосий ҳисоб рақамига 9 293 534,81 сўм пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлган бўлиб, жамият ҳисоб рақамига йил давомида жами 243 313 395 174,57 сўм пул маблағи кирим бўлган ва ушбу даврда жамият ҳисоб рақамидан жами 243 318 201 584,31 сўм пул маблағи чиқим бўлган. Жамият асосий ҳисоб рақамига 01.01.2025 йил ҳолатида 4 487 125,07 сўм пул маблағи қолдиғи қолган.

Корпоратив карта ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида корпоратив карта ҳисобида пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлмаган бўлиб, жамият корпоратив карта ҳисобига йил давомида жами 3 670 000 000 сўм пул маблағи кирим бўлган ва ушбу даврда жамият корпоратив карта ҳисобидан жами 3 670 000 000 сўм чиқим қилинган. Жамият корпоратив карта ҳисобига 01.01.2025 йил ҳолатида пул маблағи қолдиғи қолмаган.

Йўлдаги пул маблағлар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида йўлдаги пул маблағлар ҳисобида пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлмаган бўлиб, жамият йўлдаги пул маблағлари ҳисобига йил давомида жами 30 079 459 389 сўм пул маблағи кирим бўлган ва ушбу даврда жамият корпоратив карта ҳисобидан жами 25 785 024 721 сўм чиқим қилинган. Жамият йўлдаги пул маблағлар ҳисобига 01.01.2025 йил ҳолатида 4 294 434 668 сўм пул маблағи қолдиғи қолган.

Берилган қисқа муддатли қарзлар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида берилган қисқа муддатли қарзлар ҳисобида 183 059 119 сўм қолдиғи мавжуд бўлган бўлиб, жамиятда 2024 йил давомида қисқа муддатли қарзлар ҳисобига 127 902 993 сўм кирим бўлган бўлиб, ушбу даврда қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан 179 292 932 сўм чиқим бўлган. Жамиятнинг берилган қисқа муддатли қарзлари ҳисобида 01.01.2025 йил ҳолатида 131 669 179 сўм қолдиқ қолган.

Олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисобида 5 685 754 335 сўм қолдиғи мавжуд бўлган бўлиб, жамиятда 2024 йил давомида олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисобига 40 862 860 768 сўм кирим бўлган бўлиб, ушбу даврда олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан 27 554 146 163 сўм чиқим бўлган. Жамиятнинг олинган қисқа муддатли қарзлари ҳисобида 01.01.2025 йил ҳолатида 18 994 468 940 сўм қолдиқ қолган.

Бошқа жорий активлар ҳисоби.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида бошқа жорий активлар ҳисобида 23 006 632 сўм қолдиғи мавжуд бўлган бўлиб, жамиятда 2024 йил давомида бошқа жорий активлар ҳисобига материаллар ҳисобидан 47 992 360 сўм кирим бўлган бўлиб, ушбу даврда бошқа жорий активлар ҳисобидан ходимларнинг бошқа операциялардан қарзлари ҳисобига 14 309 457 сўм чиқим бўлган. Жамиятнинг берилган бошқа жорий активлар ҳисобида 01.01.2025 йил ҳолатида 56 689 535 сўм қолдиқ қолган.

Хизмат сафари харажатлари аудити.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли қарорига иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомнинг 14 бандида хизмат сафарига юборилган шахсга хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган куйидаги йўл харажатлари қопланади:

а) умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати:

умумий фойдаланиладиган транспортнинг хизмат сафарига юборилган шахсга тегишли тасдиқловчи ҳужжатлари асосида.



Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарияти ва ходимлари, республика даражасидаги ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимларига барча тарифлар бўйича чипта қиймати тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан;

бошқа тоифадаги ходимлар учун «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифидан арзон бўлган барча турлари бўйича чипта қиймати тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифи бўйича чипта қийматининг 70 фоизи миқдорида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари (ёки устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг маблағлари), қолган қисми ходимнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар;

в) тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тўловлар;

г) тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳаво, темир йўл, сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортида бағажни олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар;

д) умумий фойдаланишдаги транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, аэропортгача етиб олиш харажатлари, агар улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса. Бунда кечки вақтда ёки умумий фойдаланишдаги транспорт мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот раҳбарига ходимлар учун енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия варақасига эга таксида юрганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади;

е) йўлда кўрпа-тўшак буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар (тасдиқловчи ҳужжатларсиз ҳақ тўлашга қабул қилинади);

ж) хизмат сафари бекор қилиниши муносабати билан харид қилинган (ёки брон қилинган) йўл чипталари қайтариб топширилиши муносабати билан олиб қолинадиган маблағлар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан қайтариб берилмайдиган бошқа харажатлар;

з) йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда:

бюджет ташкилотлари ходимлари учун хизмат сафари йўлкирасига ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида;

бошқа ташкилотлар ходимлари учун жамоа келишуви (шартномалари), меҳнат шартномасида кўзда тутилган, бироқ ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда.


Бунда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон хариталардан фойдаланган ҳолда масофаларни аниқлашга рухсат этилади.

Жамият ҳисобхонасига ушбу низом талабларига амал қилиш тавсия қилинади.

Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фонди ва ижтимоий тўловлари аудити:

Жамиятда 2024 йилда асосий иш ҳақи ишчи ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасига кўра жамиятда тасдиқланган штат жадвалига кўра иш ҳақи ҳисоблаб борилган. Ходимларнинг иш вақтлари табелларда ҳисобга олиб борилган.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатига ишчи ходимларга тўланадиган иш ҳақи ҳисобидан 6 794 688 503 сўм кредитор қарздорлиги мавжуд бўлган. 2024 йил давомида жамият ишчи ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун жами 79 217 089 792 сўм ҳисобланган, ушбу даврда ишчи ходимларнинг иш ҳақи ҳисобидан даромад солиғи учун, пластик карточка орқали тўланган ва ҳисоб рақам орқали кўчирилган пул маблағлари ва бошқалар учун жами 81 823 454 915 сўм ушланмалар ушланган.



Жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида ишчи ходимлар иш ҳақи ҳисобидан 4 188 323 381 сўм кредитор қарздорлиги қолган.

Дебитор ва кредиторлик қарзлари тўғрисида.

Жамиятда дебитор ва кредиторлик қарздорликлари таҳлил қилинганда, жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида харидор ва буюртмачи корхоналардан 9 141 902 044 сўм, ажратилган бўлинмалар ҳисобидан 115 997 168 525 сўм, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ҳисобидан 1 566 896 270 сўм, мол етказиб берувчи хизмат кўрсатувчи корхоналарга тўланган бўнак ҳисобидан 8 963 615 467 сўм, бюджетга солиқ тўловидан тўланган бўнак ҳисобидан 594 684 851 сўм, бюджет ташқари тўловлардан тўланган бўнак ҳисобидан 6 545 780 сўм, турли дебиторлардан 3 548 512 153 сўм дебитор қарздорлиги, ҳамда ушбу даврда мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан 37 086 570 207 сўм кредитор, ажратилган бўлинмалар ҳисобидан 195 145 200 541 сўм, бюджетга солиқ тўловларидан 7 339 923 637 сўм, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 3 418 005 503 сўм, таъсисчилардан дивидент тўлови ҳисобидан 4 704 202 557 сўм, иш ҳақи тўловидан 4 188 323 381 сўм, олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан 18 994 468 940 сўм, турли кредиторлардан 412 776 734 сўм кредитор қарздорлиги мавжуд бўлган.

Тавсия: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12- май кундаги «Халқ ҳужжалигида ҳисоб–китоблар уз вақтида утказилиши учун Хўжалик ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1154-сонли фармони талабларига амал қилиш, муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўймаслик тавсия қилинади.

Ўзлик маблағлари тўғрисида.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 2 938 950 000 сўм устав капитали қолдиғи мавжуд бўлган. Йил давомида жамият устав капиталига ўзгариш бўлмаган. Жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида устав фонди 2 938 950 000 сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 61 884 938 935 сўм резерв капитали қолдиғи мавжуд бўлган. Йил давомида мақсадли тушумлар ҳисобидан 963 843 804 сўмга ва тақсимланмаган фойда ҳисобидан 20 702 273 482 сўмга кўпайган ва ушбу даврда резерв капитали асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши ҳисобига 1 247 456 735 сўмга камайган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида 82 303 599 486 сўм резерв капитали қолдиғи қолган.

Бундан ташқари, жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 25 586 433 165 сўм тақсимланмаган фойда қолдиғи мавжуд бўлган. 2024 йил давомида тақсимланмаган фойда ҳисобига 98 966 320 779 сўм кирим қилинган ва ушбу даврда 96 610 565 000 сўм чиқим қилинган. Жамиятда 2025 йил 1 январ куни ҳолатида 27 942 188 945 сўм тақсимланмаган фойда қолдиғи қолган.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида 963 843 804 сўм мақсадли тушумлар қолдиғи мавжуд бўлган. Йил давомида жамият мақсадли тушумлар ҳисобидан 963 843 804 сўм резерв капитали ҳисобига ўтказилган. Жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида мақсадли тушумлар қолдиғи қолмаган.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар ҳисобида қолдиқ мавжуд бўлмаган. Йил давомида асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан 34 959 005 005 сўм келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар ташкил қилинган. Жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида 34 959 005 005 сўм келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар қолдиғи қолган.



Ўзбекистон Республикасида белгиланган меъёрий ҳужжатлар бўйича Корхона ва ташкилотлар бухгалтериясида Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи (8900) счётлар қуйидаги тартибда юритиши белгиланган:

Харажатлар ва тўловларни харажатларга бир маромда олиб бориш мақсадида ўрнатилган тартибда резерв қилинган суммаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 8900 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счётида амалга оширилади.

Харажатларга қўшиладиган суммаларни резервлаш қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми билан тартибга солинади.

Резервларни ҳисоблаш муомалалари 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счётининг кредитида ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида акс эттрилади.

Резерв қилинган суммалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар суммаси захиралар миқдорини камайтириб 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счётининг дебитида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

У ёки бу резервнинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланиши вақти-вақти билан (йилнинг охирида албатта) меъёр, ҳисоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади, зарурият туғилганда тўғирланади (корректура).

8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир резерв турлари бўйича алоҳида юритилади.

Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар (8900)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резервлари ташкил қилинди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	8910
2	Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан асосий воситаларни таъмирлаш учун ва бошқа бажарилган ишлар, хизматлар қиймати ҳисобга олинди	8910	2010, 2310, 2510, 2710
3	Ҳисобланган келгуси харажатлар захираларининг фойдаланилмай қолган суммаси корхона даромадига қўшилди	8910	9390

Жамият бухгалтериясида келгуси харажатлар ва тўловларнинг резервлари ташкил қилишда ушбу меъёрий ҳужжат талабларига риоя қилинган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси бўйича солиқ тўлови.

Текширишга киритилган даврда жамият қуйидаги солиқ турлари бўйича солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади:

- 1) Фойда солиғи
- 2) Қўшилган қиймат солиғи
- 3) Мол мулк солиғи



- 4) Ер солиғи
- 5) Сув солиғи
- 6) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.
- 7) Ижтимоий солиқ.

Текширишда жамиятнинг 01.01.2024 йилдан 31.12.2024 йилгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармаларга ҳисобланган солиқ ва ажратмалари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

минг сўмда

солиқ ва мажбурий ажратмалар	жамият тақдим қилган ҳисоботи буйича
ҚҚС	18 619 871,0
фойда солиғи	5 503 689,0
ер солиғи	311 556,0
сув солиғи	8 449,0
мол мулк солиғи	132 842,0
ишчи ходимлар иш хакидан даромад солиғи	9 293 297,0
ишчи ходимлар иш хакидан жамгариб бориладиган пенсия таъминоти	77 982,0
ижтимоий солиқ	9 274 306,0
дивиденд солиқ	183 293,0

Молиявий натижалар ҳисоботи аудити

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи таҳлил қилинганда, жамиятнинг маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушуми 278 522 795,00 минг сўми, сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарни 215 083 767,00 минг сўми, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 63 439 028,00 минг сўми, бошқа операцион даромадлар 8 081 060,00 минг сўми, маъмурий харажатлар 10 130 552,0 минг сўми, бошқа харажатлар 27 943 658,0 минг сўми, операцион даромад 33 445 878,00 минг сўми, фойда солиғи 5 503 689,00 минг сўми соф фойда 27 942 189,00 минг сўми ташкил қилган.

Дивиденд тўлови тўғрисида.

Жамиятда 2024 йил 1 январ куни ҳолатида таъсисчиларнинг дивиденд тўлови ҳисобидан 44 294 465 сўм кредитор қарздорлиги мавжуд бўлган, таъсисчиларнинг 2024 йилдаги умумий йиғилиш қарорига асосан таъсисчиларга жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси ҳисобидан 4 860 662 136 сўм дивиденд тўлови ҳисобланган. 2024 йилда дивиденд ҳисобидан 183 292 874 сўм даромад солиғи ушланган ва таъсисчиларга 17 460 995 сўм дивиденд тўланган бўлиб, жамиятнинг 2025 йил 1 январ куни ҳолатида таъсисчиларга дивиденд тўлови ҳисобидан 4 704 202 557 сўм кредитор қарздорлиги қолган.

3. Якуний қисм.

Хулоса.

Аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш жамият молиявий хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича тавсия ва таклифлар:

- жамиятда ички назорат системасини яхши йўлга қўйиш, моддий қийматликларни ўз вақтида инвентаризация ўтказиш:



- барча шартномаларни амалдаги «Хўжалик субъектларининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун талаблари асосида расмийлаштирилишини таъминлаш;

- Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 347- сонли қарорига асосан қарорни бажарилиши назоратга олиш ва мавжуд қарздорликларни ундириш ва тўлаб бериш чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалдаги кўрсатмаларга асосан тўғри ҳисоблаш ва уларни Д.С.И. га ўз вақтида электрон жўнатиш;

- унимсиз харажатларга (жарима, пеня) йўл қўймаслик;

- камроқ харажат қилиб кўпроқ фойда олишга эришиш;

- аудиторлик ҳисоботида кўрсатилган хатоликларга тузатиш киритиш;

Ушбу тузилган аудиторлик ҳисоботи бўйича иш бажарувчи ва буюртмачи ўртасида ҳеч қандай эътирозлар йўқ.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонунга асосан аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак,

ахборотни ошкор этганлик учун ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик текшируви давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларни тузиш ва бошқа молиявий ахборотлар бўйича аниқланган четга чиқишлар, камчиликлар тузатиш учун жамият раҳбариятига етказилди.

Такдим қилинган молиявий ҳисоботлар, ДСИ га такдим қилинган ҳисоботлар ва аудиторлик ҳисоботида фойдаланилган ахборотларнинг тўғрилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудитор фикри.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонун, Аудиторлик Халқаро стандартларига асосан ўтказилди. Ушбу ҳужжатлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига ишонч билан таъминлашимизни тақозо қилади.

Аудиторлик текшируви ҳакконийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молия хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради.

Мазкур ҳисобот 2 (икки) нусхада ёзилди бир нусхаси жамият раҳбариятига қолдирилди.

**МСНЖ shaklidagi «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti аудитори:**

С.Х.Бобоев

Аудиторлик ҳисоботи билан танишдим ва бир нусхасини қабул қилиб олдим.
қўшимча ва эътирозим йўқ.

**«O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH» mas'uliyati
cheklangan jamiyati директори:**

Р.Р.Кудратов

Бош ҳисобчи:

Б.Б.Жумаев

